

ХУДУДЛАРДА ИНВЕСТИЦИЯ САЛОХИЯТИНИ БАХОЛАШ ВА САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Хикматуллаева Дилдора
Тошкент молия институти магистри

Аннотация: Мақолада ҳудудларга хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва уларни салохиятини баҳолаш ва самарадорлиги ошириш йўлларини такомиллаштириш билан боғлиқ жараёнлар тадқиқ этилган. Ҳудудларга хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва улардан самарали фойдаланиш жараёнларига таъсир қўрсатувчи омилларни мамлакат инвестицион фаолият самарадорлига таъсири баҳоланганд. Миллий иқтисодиётга инвестиция салохиятини баҳолаш ва самарадорлигини ошириш йўналишлари доир илмий таклиф ва амалий тавсиялар шакллантирилган.

Калит сўзлар: инвестицион фаолият, инвестиция салохият, инвестицион жозибадорлик, рақобат афзаллиги, инвестицион самарадорлик, инвестицион ризк, бозор механизми.

Кириш

Мамлакатимиз ҳудудларининг барқарор ва мутаносиб иқтисодий ривожланишини таъминлаш Ўзбекистонда юритилаётган иқтисодий сиёсатнинг энг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади. Ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожланиши, турмуш шароитининг яхшиланиши ҳам бевосита уларнинг иқтисодиёти ривожланиши билан боғлиқ. Мамлакат иқтисодиёти ҳудудлардан таркиб топган бир бутун тизимни ташкил қилганлиги сабабли, унинг ҳар бир ҳудудидаги ижтимоий-иқтисодий ривожланишни таъминлаш мамлакатимизнинг узлуксиз, барқарор тараққиётига замин яратади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида: “Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, қайси давлат фаол инвестиция сиёсатини юритган бўлса, ўз иқтисодиётининг барқарор ўсишига эришган. Шу сабабли ҳам инвестиция – бу иқтисодиёт драйвери, ўзбекча айтганда, иқтисодиётнинг юраги, десак, муболага бўлмайди. Биз фақат инвестицияларни фаол жалб қилиш, янги ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш ҳисобидан иқтисодиётимизни жадал ривожлантиришга эришамиз. Иқтисодиётдаги ижобий натижалар эса ижтимоий соҳада тўпланиб қолган муаммоларни тизимли ҳал этиш имконини яратади. Буни ҳаммамиз чукур тушуниб олишимиз ва ишимишни шу асосда ташкил этишимиз шарт. Хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш учун мамлакатимизнинг инвестиция салохиятини тўла намоён этиш чораларини кўришимиз кундалик ҳаётимиздан

жой олган энг долзарб масалалардан бири бўлмоғи лозим”¹, деб таъкидлаб, хорижий инвестицияларни жалб қилиш орқали ҳудудларни комплекс ривожлантириш ғоят муҳим аҳамиятини ва уни жалб қилишнинг долзарблигини эътироф этади.

Мамлакатимиз иқтисодиётининг инвестицион жозибадорлигини ошириш, мавжуд инвестицион салоҳиятдан самарали фойдаланиш тизимини такомиллаштиришга йўналтирилган қатор чора тадбирлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги “Республика иқтисодиётига тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш механизмларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4300-сонли Қарорида алоҳида эътибор қаратилинган бўлиб, бу борада республика иқтисодиётига тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш фаолияти самарадорлигини ошириш, хорижий инвесторларни мамлакатимиз имкониятлари ва салоҳияти тўғрисида хабардор қилиш билан боғлиқ вазифаларга устуворлик берилган.²

Инвестиция фаолиятини тартибга солишда ва инвестициялардан самарали фойдаланишда энг муҳим бўлган масалалардан бири – бу чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарни ҳудудлар бўйича оптимал даражада бир текис жойлаштириш ва хорижий инвесторларни ҳудудларга янада кўпроқ жалб қилишдир.

Ўзбекистонда босқичма-босқич амалга оширилаётган ислоҳотлар мамлакатимизни макроиктисодий барқарорлигини таъминлашга ҳамда ҳудудларни ижтимоий-иктисодий ривожлантиришга ва жойлардаги ишлаб чиқариш қувватларини модернизациялаш ва диверсификациялашга қаратилган. Ҳудудларда инвестицион жараённи жадаллаштириш борасида Президентимиз Мирзиёев “Ҳудудлар иқтисодиётини модернизация ва диверсификация қилиш кўламини кенгайтириш, ривожланиш даражаси нисбатан паст бўлган туман ва шаҳарларни, энг аввало, саноат ва экспорт салоҳиятини ошириш йўли билан жадал ривожлантириш ҳисобига минтақалар ижтимоий-иктисодий ривожланиш даражасидаги фарқларни камайтириш” дея қайд этиб ўтганлар

Адабиётлар шархи

Иқтисодиётда инвестициялар ҳудудларни ривожлантириш ҳамда аҳоли маблағларини инвестицияга йўналтириш орқали мамлакатда иқтисодий ўсишни

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. «Халқ сўзи» газетаси, 2018 йил 29 декабрь № 271-272 (7229-7230) сони

² Ўзбекистон Республикасида инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш чоратадбирлари тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 1 август, ПФ-5495-сон Фармони.

таъминлашнинг бош омилларидан ҳисобланади. Шу сабабдан ҳам инвестиция фаолиятига кўпроқ эътиборни корхона ва ташкилотлар қаратади.

Х.Ҳелиан П.Михаела, А.Вақар, тадқиқотларида ҳудудларга хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг институционал механизми тадқиқ этилади. Тадқиқот натижаларига мувофиқ мамлакат иқтисодиётидаги институционал сифат ўзгаришларининг тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни ҳудудларга жалб этиш тизимиға ижобий таъсир кўрсатиши қайд этилади.³

Т.В.Усковао илмий изланишларида иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларини таъминлаш вазифаси стратегик аҳамиятга эга эканлиги, унинг ечими хомашё экспортидан иқтисодиётнинг инновацион моделига ўтишини талаб қилиши, бу борада инвестициялар асосий аҳамиятга эга эканлиги асослаб берилган.⁴

М.М.Прусак иқтисодиётни модернизация қилиш ва иқтисодий ўсиш учун реал шароитларни таъминлаш умуман давлатда ҳам, минтақаларда ҳам инвестиция фаоллаштиришни талаб этишни таъкидлай.⁵

Н.Ф.Каримов хорижий инвестицион корхоналар учун макроиқ-тисодий, қонунчилик ва маъмурий шарт-шароитларни ва имкониятларни ҳисобга олган ҳолда барқарор солиқ қонунчилиги тизимини жорий этиш ҳамда иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб этиш, дастурини шакллантириш билан боғлиқ жараён-лар тадқиқ этилади.⁶

Профессор Ш.Мустафақулов ўз монографиясида хорижий инвестияларнинг мамлакат ҳудудларига таъсирини баҳолай туриб, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар оқимини мамлакат иқтисодиётига йўналтириш билан бир қаторда, ижтимоий-сиёсий масалалар ҳам ҳал этилади..., инвесторларнинг қарорларига нафақат иқтисодий нафлиқ, балки ижтимоий нафлиқ ҳам сезиларли таъсир кўрсатади дея таъкидлайди.

Ҳудудларга хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва улардан самарали фойдаланиш йўлларини асослашга йўналтирилган юқоридаги тадқиқотларда

³ Лиесбетҳ Солен, Миет Маертенс анд Жо Свиннен. Фореигн дирест инвестмент ас ан энгине фор эсономис гроуҳ, анд ҳуман девелопмент: А ревиew оғ тҳе аргументс анд эмпирисал эвиденс. Жануарй 2009 ДОИ: 10.4324/9780203076880 ҳттп://www.ресеарчгате.нет/публикаціон/237244956

⁴ Усковао Т.В. Роли инвестиций в обеспечении устойчивого экономического роста. Экономические и социальные перемены: факты, тенденции, прогноз 6 (30) 2013., 45-59 стр.

⁵ Прасак М.М. Стратегия региона: инвестиции в экономику // Финансы. 2001. - № 1. - С. 6-8. 10. Каримов Н.Ф. Иқтисодий интеграциялашув шароитида инвестиция фаолиятини молиялаштиришнинг бозор механизмларини жорий этиш масалалари. – Т.: Фан ва технология, 2007. – 240 б.

⁶ Ш.И.Мустафакулов, Инвестицион мұхит жозыбадорлығы: назария, методология ва амалиёт. Монография. БМА. 2017. 208-6.

макроиқтисодий шароитларни яратиш орқали инвестиция жараёнлари ва иқтисодий ўсишнинг фаол суръатларини таъминлаш имкониятлари ўрганилган.

Таҳлил ва натижалар

Ҳукуматимиз томонидан аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифати изчил оширилишини таъминлашга қаратилган чора-тадбирларни олиб борилаётгандиги, республиканинг барча ҳудудларида иқтисодиётни ва унинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш, техник-технологик жиҳатдан янгилашни жадаллаштириш ва кўламларини кенгайтириш, ишлаб чиқаришни диверсификациялаш, йўл-транспорт ҳамда коммуникация инфратузилмасини жадал ривожлантириш, фаол инвестиция сиёсатини амалга ошириш ва хорижий инвестицияларни жалб этиш, зарур ишбилармонлик мухитини яратиш имконини бермоқда.

Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган “Иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишлари” бўйича учинчи йўналишида макроиқтисодий барқарорликни мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш, миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш, иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш бўйича институционал ва таркибий ислоҳотларни давом эттириш, хусусий мулк хуқуқини ҳимоя қилиш ва унинг устувор мавқеини янада қучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини рағбатлантириш, ҳудудлар, туман ва шаҳарларни комплекс ва мутаносиб ҳолда ижтимоий-иқтисодий тараққий эттириш, инвестициявий мухитни яхшилаш орқали мамлакатимиз иқтисодиёти тармоқлари ва ҳудудларига хорижий сармояларни фаол жалб этиш вазифалари белгилаб қўйилди.

Тижорат банклари кредитларининг ва узоқ муддатли инвестицион лойиҳаларининг мамлакат ҳудудлари бўйича нотекис тақсимланиши ҳам миллий иқтисодиёт барқарор ривожланишига салбий таъсирни юзага келтиради. Ҳудудлар ўртасида банк кредитлари ва инвестицияларнинг тақсимотида диверсификация даражасига ва ҳудудларнинг ривожланашини ҳисобга олган амалга ошириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Мамлакат ҳудудларида ЯИМ ни ишлаб чиқаришнинг ўзаро мувофиқлиги таъминланиб, мамлакатда ресурслар концентрацияси ва унинг тақсимланиш самарадорлигини оширади.

Миллий иқтисодиёт барқарорлигини таъминлашда хорижий инвестицияларни иқтисодиётнинг мухим тармоқларига йўналтириш ва чукур таркибий ва технологик қуроллантириш жараёнларига сафарбар этиш мухим ҳисобланади. Ҳудди шундай жалб қилинаётган хорижий инвестицияларни

иқтисодиёт тармоқларидағи тақсимотини оптималлаштириш йўли билан уларнинг самарадорлиги ва миллий иқисодиёт ривожланишидаги ролини ошириш мумкин.

Инвестицияларни молиялаш манбалари таркибидан марказлашмаган инвестициялар, яъни корхоналар, ахоли, банклар ҳамда тўғридан-тўғри чет эл инвестицияларининг ошиб бориши, мамлакатимизда олиб борилаётган инвестиция сиёсатининг самарадорлигини ҳамда инвестициялаш стратегияси тўғри танланганлигини кўрсатади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Кўмитаси маълумотлари асосида инвестицияга (Y) бир қанча таъсир этувчи омилларнинг (X_1, X_2, X_3, X_4, X_5) регрессион таҳлилини кўриб чиқамиз. Бунинг учун 1 - жадвал маълумотлари асосида тасвирий статистикасини тузамиз:

1-жадвал

Тасвирий статистика

	Кузатув лар сони	Минимум	Максимум	Үртacha	Стандарт хатолик	Медиана	Стандарт оғиши	Интервал
$LN(Invest)$	18	6,61	10,95	9,04	0,3234779	9,30	1,3724003	4,34
$LN(GDP)$	18	8,09	12,43	10,52	0,3157999	10,69	1,3398253	4,34
$LN(Credit)$	18	7,03	11,05	9,11	0,2841641	8,91	1,2056059	4,02
$Ref. Rate$	18	0,09	0,30	0,16	0,0152202	0,14	0,0645736	0,21
$LN(ExchRate)$	18	5,47	9,00	7,25	0,1816091	7,24	0,7705019	3,53
$Inf. Rate$	18	0,04	0,74	0,14	0,0394290	0,07	0,1672831	0,70

2-жадвалдаги статистик маълумотларга асосан факторлар ўртасидаги корреляция коэффициентини Microsoft Excel дастури ёрдамида ҳисоблаймиз ва қўйидаги натижага эришамиз:

2-жадвал

Корреляция коэффициенти

	$LN(Invest)$	$LN(GDP)$	$LN(Credit)$	$Ref. Rate$	$LN(ExchRate)$
$LN(Invest)$	1,00				
$LN(GDP)$	0,998	1,00			
$LN(Credit)$	0,98	0,98	1,00		
$Ref. Rate$	-0,88	-0,89	-0,81	1,00	
$LN(ExchRate)$	0,92	0,93	0,93	-0,76	1,00
$Inf. Rate$	-0,21	-0,24	-0,26	0,25	-0,29

2- жадвалдан факторлар орасидаги боғланишлар ҳақида маълумот оламиз, шумладан, $LN(Invest)$ ва $LN(GDP)$ орасидаги корреляция коэффициенти 0,998

га тенг, бу эса орасидаги боғланиш зич ва мусбат, яъни мамлакатнинг ЯИМ қанча кўп бўлса, инвестиция ҳам кўп бўлади; $LN(Invest)$, $LN(GDP)$ ва $LN(Credit)$ орасидаги корреляция коэффициентлари 0,98 га тенг, улар орасидаги боғланиш ҳам зич ва мусбат, яъни кредит қўйилмалари қанча кўп бўлса, ЯИМ ва инвестициялар ҳам кўп бўлади; $LN(Invest)$, $LN(GDP)$, $LN(Credit)$ ва $Ref.\ Rate$ орасидаги корреляция коэффициентлари -0,88, -0,89, -0,81 га тенг, улар орасидаги боғланиш ҳам зич, аммо манфий, яъни Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси қанча кўп бўлса, шунчалик ЯИМ, инвестиция ва кредит қўйилмалари кам бўлади; $LN(Invest)$, $LN(GDP)$, $LN(Credit)$, $Ref.\ Rate$ ва $LN(ExchRate)$ орасидаги корреляция коэффициентлари 0,92, 0,93, 0,93 ва -0,76 га тенг, улар орасидаги боғланиш зич ва ўртачадан зичроқ, биргина Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси билан манфий боғланишга эга, яъни валюта курси қанча кўтарилса, шунчалик Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси камаяди; $LN(Invest)$, $LN(GDP)$, $LN(Credit)$, $Ref.\ Rate$, $LN(ExchRate)$ ва $Inf.\ Rate$ орасидаги корреляция коэффициентлари -0,21, -0,24, -0,26, 0,25 ва -0,29 га тенг, улар орасидаги боғланиш кучсиз, яъни инфляция даражаси кўпайиши билан ЯИМ, инвестиция, кредит қўйиламлари ва валюта курслари камайиши ҳамда Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси ошиши мумкин.

2-жадвал маълумотлари таҳлилида $LN(Invest)$ натижавий омил сифатида инвестиция олинди. Тъисир этувчи омил сифатида: Ялпи ички маҳсулот ($LN(GDP)$), Кредит қўйилмалар ($LN(Credit)$), Марказий банк қайта молиялашириш ставкаси ($Ref.\ Rate$), валюта курси ($LN(ExchRate)$), инфляция даражаси ($Inf.\ Rate$) олинди. 2-жадвал маълумотларини компьютер Microsoft Excel дастури ёрдамида қайта ишлаш асосида қуйидаги регрессион таҳлил натижаларига эришилади (4-жадвал):

3-жадвал

Дастлабки регрессион таҳлил натижаси

	<i>Коэффициентлар</i>	<i>Стандарт ҳамо</i>	<i>t- статистика</i>	<i>P- қиймат</i>
$LN(Invest)$	-1,37	0,48	-2,88	0,01
$LN(GDP)$	0,97	0,12	8,16	0,00
$LN(Credit)$	0,15	0,09	1,60	0,14
$Ref.\ Rate$	-0,31	0,80	-0,38	0,71
$LN(ExchRate)$	-0,15	0,07	-2,14	0,05
$Inf.\ Rate$	0,24	0,11	2,09	0,06

Дисперсион таҳлил	<i>df</i>	<i>SS</i>	<i>MS</i>	<i>F</i> ҳисоб	<i>F</i> -жадвал
Регрессия	5	31,96	6,39	1 241,73	0,00
Қолдик	12	0,06	0,01		
Жами	17	32,02			

З-жадвалдаги олинган таҳлил натижалардаги коэффициент микдорларидан кўриниб турибдики, ЯИМнинг 1 фоизга ошиши бошқа омиллар ўзгармаганда инвестициянинг ўртача 0,97 фоизга ошишига, кредит қўйилмаларнинг 1 фоизга ошиши инвестициянинг ўртача 0,15 фоизга ошишига, Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкасининг 1 фоизга ошиши инвестициянинг ўртача 0,31 фоизга камайишига, валюта курсининг 1 фоизга ошиши инвестициянинг ўртача 0,15 фоизга камайишига, инфляция даражасининг 1 фоизга ошиши инвестициянинг ўртача 0,24 фоизга ошишига олиб келади.

Ҳисобланган $R^2 = 0,998$; $F_{\text{ҳисоб}} = 1241,7 > F_{\text{жадв}} = 0,00$ мезонлар қонуниятининг

$X = (\ln(GDP), \ln(Credit), Ref.\ Rate, \ln(ExchRate), Inf.\ Rate)$ омил кўрсаткичлар мажмуи орқали ҳаққоний ва ишончли ифодаланганини кўрсатади. Фишер мезонининг ҳисоб ва жадвал қиймати α – регрессия хатолиги. Р-қиймат 0,05 дан кичик бўлишини инобатга оладиган бўлсак, $\ln(GDP)$ ва $\ln(Credit)$ ўзгарувчанлар статистик аҳамиятли ҳисобланади. Инвестицияга таъсир этувчи омилларнинг ҳар бирини алоҳида якка ҳолда таҳлил этганда қолган омиллар ўзгаришсиз деб қаралганда, энг катта таъсир этувчи омил ЯИМ, кредит қўйилмалари ва инфляция даражаси микдорига тўғри келмоқда. Бунда, натижавий омил билан таъсир этувчи омиллар ўртасидаги корреляцион боғланишни ифодалайдиган регрессиянинг тенгламасини “Энг кичик квадратлар” усулидан фойдаланиб қуидагича акс эттиришимиз мумкин бўлади:

$$\begin{aligned} \ln(\text{Invest}) = -1,37 + 0,96 \cdot \ln(GDP) + 0,15 \cdot \ln(Credit) - \\ - 0,31 \cdot \text{Ref.\ Rate} - 0,15 \cdot \ln(ExchRate) + 0,24 \cdot \text{Inf.\ Rate} \end{aligned} \quad (20)$$

20-формула ва З-жадвал маълумотларидан фойдаланиб чизиқли регрессия учун ўртача коэффициентлар эластиклигини аниқлаймиз:

$$\bar{\Theta}_{\ln(\text{Invest})\ln(\text{GDP})} = \ln(\text{GDP}) \cdot \frac{\overline{\ln(\text{GDP})}}{\overline{\ln(\text{Invest})}} = 0,96 \cdot \frac{10,52}{9,04} = 1,12$$

$$\bar{\Theta}_{\ln(\text{Invest})\ln(\text{Credit})} = \ln(\text{Credit}) \cdot \frac{\overline{\ln(\text{Credit})}}{\overline{\ln(\text{Invest})}} = 0,15 \cdot \frac{9,11}{9,04} = 0,15$$

$$\bar{\Theta}_{LN(Invest)Inf.Rate} = Inf.Rate \cdot \frac{\overline{Inf.Rate}}{LN(Invest)} = 0,24 \cdot \frac{0,14}{9,04} = 0,004$$

$$\bar{\Theta}_{LN(Invest)LN(ExchRate)} = LN(ExchRate) \cdot \frac{\overline{LN(ExchRate)}}{LN(Invest)} = -0,15 \cdot \frac{7,25}{9,04} = -0,12$$

$$\bar{\Theta}_{LN(Invest)Ref.Rate} = Ref.Rate \cdot \frac{\overline{Ref.Rate}}{LN(Invest)} = -0,31 \cdot \frac{0,16}{9,04} = -0,05$$

ЯИМнинг 1 фоизга ортиши инвестицияни ўртача қиймати $\widetilde{LN(Invest)}$ нинг ўртача қийматидан 1,12 фоизга ортишини, кредит кўйилмаларнинг 1 фоизга оишиши инвестициянинг ўртача қиймати $\widetilde{LN(Invest)}$ нинг ўртача қийматидан 0,15 фоизга ортишини, Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкасининг 1 фоизга оишиши инвестициянинг ўртача қиймати $\widetilde{LN(Invest)}$ нинг ўртача қийматидан 0,05 фоизга камайишини, валюта курсининг 1 фоизга оишиши инвестициянинг ўртача қиймати $\widetilde{LN(Invest)}$ нинг ўртача қийматидан 0,12 фоизга камайишини, инфляция даражасининг 1 фоизга оишиши инвестициянинг ўртача қиймати $\widetilde{LN(Invest)}$ нинг ўртача қийматидан 0,004 фоизга ортишини билдиради.

Ортиқча ўзгарувчиларни аниқлаш учун икки томонлама Р-қиймат ёрдамида кетма-кет ўзгарувчини чиқариб ташлаган ҳолда тест ўтказамиз. Бунда GNU Regression, Econometric and Time-series Library (GRETl) иловасидан фойдаланамиз.

Нолли гипотеза H_0 : *Ref. Rate*учун регрессия параметрлари нолга тенг.

Синов статистикаси: $F(1,12) = 0,1481$, *P-қиймат* 0,7071

4- жадвал

	Коэффициент	Стандарт хатолик	t- статистика	R- қиймат
$LN(Invest)$	-1,54	0,18	-8,59	0,00
$LN(GDP)$	1,01	0,07	15,08	0,00
$LN(Credit)$	0,13	0,07	1,77	0,09
$LN(ExchRate)$	-0,16	0,06	-2,55	0,02
$Inf.Rate$	0,23	0,11	2,14	0,05

Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Кўмитаси маълумотлари асосида худудий инвестицияга ($LN(RInvest)$) бир қанча таъсир этувчи омиллар, жумладан ЯХМ, аҳоли сони ва худуддаги банклар сонининг ($LN(GRP), LN(P), B$) регрессион таҳлилини кўриб чиқамиз. Бунинг учун маълумотлар асосида қуидаги тасвирий статистикасини тузиб оламиз (6-жадвал):

5-жадвал**Тасвирий статистика**

	Кузатувлар сони	Минимум	Максимум	Үртача	Стандарт хатолик	Медиана	Стандарт оғиш	Интервал
$LN(RInvest)$	14	7,19	9,35	8,10	0,19	7,96	0,72	2,16
$LN(GRP)$	14	8,53	10,56	9,44	0,15	9,42	0,54	2,03
$LN(P)$	14	6,69	8,20	7,65	0,13	7,80	0,47	1,51
B	14	42,00	154,00	74,86	8,17	71,00	30,57	112,00

5-жадвалдаги статистик маълумотларга асосан факторлар ўртасидаги корреляция коэффициентини Microsoft Excel дастури ёрдамида ҳисоблаймиз ва қўйидаги натижага эришамиз:

6-жадвал**Корреляция коэффициенти**

	$LN(RInvest)$	$LN(GRP)$	$LN(P)$	B
$LN(RInvest)$	1,00			
$LN(GRP)$	0,73	1,00		
$LN(P)$	0,40	0,66	1,00	
B	0,52	0,84	0,61	1,00

6-жадвалдан факторлар орасидаги боғланишлар ҳақида маълумот оламиз, шумладан, $LN(RInvest)$ ва $LN(GRP)$ орасидаги корреляция коэффициенти 0,73 га teng, бу эса орасидаги боғланиш зичроқ ва мусбат, яъни мамлакатнинг ЯҲМ қанча кўп бўлса, худудлар бўйича инвестиция ҳам кўпроқ бўлади; $LN(RInvest)$ ва B лар орасидаги корреляция коэффициенти 0,52 га teng, улар мусбат ўртача зич боғланишга эга, яъни худудлардаги банкларнинг сонини ошириш билан биз худудий инвестициялар салмоғини оширишга эришишимиз мумкин. Бундан ташқари ЯҲМни ҳам оширади ва улар орасидаги корреляция коэффициенти 0,84 га teng.

6-жадвал маълумотлари таҳлилида $LN(RInvest)$ натижавий омил сифатидаҳудудиц инвестиция олинди. Таъсир этувчи омил сифатида: Ялпи худудий маҳсулот ($LN(GRP)$), Аҳоли сони ($LN(P)$), банклар сони (B) кўрсаткичлари олинди. 3-жадвал маълумотларини компьютер Microsoft Excel дастури ёрдамида қайта ишлаш асосида қўйидаги регрессион таҳлил натижаларига эришилади (8-жадвал):

Дастлабки регрессион таҳлил натижаси

	<i>Коэффициентлар</i>	<i>Стандарт хато</i>	<i>t-статистика</i>	<i>P-қиймат</i>
<i>LN(RInvest)</i>	-3,32	4,52	-0,73	0,48
<i>LN(GRP)</i>	1,41	0,55	2,57	0,03
<i>LN(P)</i>	-0,18	0,43	-0,42	0,68
<i>B</i>	-0,01	0,01	-0,78	0,45

<i>Дисперсион таҳлил</i>	<i>df</i>	<i>SS</i>	<i>MS</i>	<i>F ҳисоб</i>	<i>F-жадвал</i>
Регрессия	3	3,86	1,29	4,37	0,03
Қолдик	10	2,94	0,29		
Жами	13	6,79			

8-жадвалдаги олинган таҳлил натижалардаги коэффициент микдорларидан кўриниб турибдики, ЯҲМнинг 1 фоизга ошиши бошқа омиллар ўзгармаганда худудий инвестициянинг ўртача 1,41 фоизга ошишига, ахоли сонининг 1 фоизга ошиши худудий инвестициянинг ўртача 0,18 фоизга камайишига, банкларнинг 1 донага ошиши худудий инвестициянинг ўртача 0,007 фоизга камайишига олиб келади.

Ҳисобланган $R^2 = 0,568$; $F_{\text{ҳисоб}} = 4,3749 > F_{\text{жадв}} = 0,0327$ мезонлар конуниятининг $X = (LN(RInvest), LN(GRP), LN(P), B)$ омил кўрсаткичлар мажмуи орқали ҳаққоний ва ишончли ифодаланганини кўрсатади. Фишер мезонининг ҳисоб ва жадвал қиймати α – регрессия хатолиги. Р-қиймат 0,05 дан кичик бўлишини инобатга оладиган бўлсак, $LN(GRP)$ ўзгарувчан статистик аҳамиятли ҳисобланади. Инвестицияга таъсир этувчи омилларнинг ҳар бирини алоҳида якка ҳолда таҳлил этганда қолган омиллар ўзгаришсиз деб қаралганда, энг катта таъсир этувчи омил ЯҲМ микдорига тўғри келмоқда. Бунда, натижавий омил билан таъсир этувчи омиллар ўртасидаги корреляцион боғланишни ифодалайдиган регрессиянинг тенгламасини “Энг кичик квадратлар” усулидан фойдаланиб қуидагича акс эттиришимиз мумкин бўлади:

$$LN(RInvest) = -3,31 + 1,41 \cdot LN(GRP) - 0,18 \cdot LN(P) - 0,007 \cdot B \quad (21)$$

Ортиқча ўзгарувчиларни аниқлаш учун икки томонлама Р-қиймат ёрдамида кетма-кет ўзгарувчини чиқариб ташлаган ҳолда тест ўтказамиш. Бунда GNU Regression, Econometric and Time-series Library (GRETl) иловасидан фойдаланамиш.

Нолли гипотеза $H_0: LN(P) = 0$. Вучун регрессия параметрлари нолга тенг.

Синов статистикаси: $F(2,10) = 0,4245$, P -қиймад 0,6653

Демак, математик модел таҳлилиниң күрсатишича, ЯҲМ микдорининг ошиши, ҳудудий инвестицияни камайтиrmайди, аксинча оширади.

Хулоса қилиб айтганда, статистик таҳлил натижаларига қўра инвестицияни такомиллаштиришда банкларнинг кредит қўйилмалари ижобий таъсир этганини инобатга олсан, бу тармоқни ривожлантиришда банкларнинг ролини ошириш керак.

Хулоса ва тақлифлар

Сўнги йилларда мамлакатимизда амалга оширилаётган инвестиция сиёсатидан кўзланган энг асосий мақсад хорижий инвестициялар иштирокида ташкил этилаётган ҳудудий корхоналар маҳсулот ёки хизматларини экспортга йўналтиришдан иборат. Бунинг учун маҳаллий корхоналаримиз негизида ташкил этилаётган корхоналар фаолиятини янгича ташкил этиш, улардаги ҳиссабай иштирок этиш, яъни акциялар улушига асосан томонларнинг қарор қабул қилишида иштирок этиш, энг асосийси хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг маҳсулот ёки хизматларини ташки бозордаги рақобатбардошлигини оширишга эришиш кабилар муҳим аҳамият касб этади.

Бизнингча юқоридаги тавсияларнинг амалиётга жорий этилиши ҳудудий инвестиция лойиҳаларни фаол жалб этилишига ва инвестиция муҳитининг барқарорлигини таъминлашга имкон беради. Хорижий инвесторларни жалб қилишда турли усусларнинг қўлланилиши ўзининг самарали мевасини ҳозирнинг ўзиданоқ бермоқда. Жадал ва мутаносиб иқтисодий ўсиш, чукур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва иқтисодиётни диверсификация қилишда фаол ва аниқ йўналтирилган инвестиция сиёсати юритиш энг муҳим омил ҳисобланади. Ўзбекистон ўзига хос инвестицион иқлим яратади ҳамда бунга мамлакатнинг ресурсларга бой эканлиги ва уларни қазиб чиқариш, қайта ишлаш борасида корхоналарни ташкил этиш, мавжудларини модернизациялаш бўйича берилаётган кенг имкониятлар хорижлик инвесторларни кириб келишига замин яратди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. «Халқ сўзи» газетаси, 2018 йил 29 декабрь № 271-272 (7229-7230) сони.
2. Ўзбекистон Республикасида инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш чоратадбирлари тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 1 август, ПФ-5495-сон Фармони.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги “Республика иқтисодиётига тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб

қилиш механизмларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4300- сонли Қарори.

4. Лиесбетҳ Солен, Миет Маертенс анд Жо Сшиннен. Фореигн дирест инвестмент ас ан энгине фор экономис гроwtҳ анд ҳуман девелопмент: А ревиew оғ тҳе аргументс анд эмпирисал эвиденсе. Жануарй 2009 ДОИ: 10.4324/9780203076880 [хттп://www.researchgate.net/publication/237244956](http://www.researchgate.net/publication/237244956)

5. Усковао Т.В. Роли инвестиций в обеспечении устойчивого экономического роста. Экономические и социальные перемены: факты, тенденции, прогноз 6 (30) 2013., 45-59 стр.

6. Прусак М.М. Стратегия региона: инвестиции в экономику // Финансы. 2001. - № 1. - С. 6-8. 10. Каримов Н.Ф. Иқтисодий интеграциялашув шароитида инвестиция фаолиятини молиялаштиришнинг бозор механизмларини жорий этиш масалалари. – Т.: Фан ва технология, 2007. – 240 б.

7. Ш.И.Мустафакулов, Инвестицион муҳит жозибадорлиги: назария, методология ва амалиёт. Монография. БМА. 2017. 208-б.

8. www.stat.uz сайт маълумотлари асосида